

**Агентлик Комплаенс назорат бўлими томонидан 2023 йилда
режалаштрилган семинар, тренинг, давра сұхбатлари ва бошқа тарғибот
тадбирлари хусусида.**

1. Ўрмон хўжалиги агентлиги марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳукуқий билимларини ошириш мақсадида масъул ходимлар томонидан ўқув семинарлари, давра сұхбатлари ўтказилишини ташкил этиш. Ушбу тадбирларга Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мутасаддиларини таклиф этиш.

2. Ўрмон хўжалиги агентлиги ва тизим ташкилотлари ходимларини, шу жумладан “комплаенс-назорат” тизимиға масъул ходимларни 2023 йилда Бош прокуратура Академиясида коррупцияга қарши кураш йўналишида ташкил этилган масофавий ўқув курсларида ўқитишни ташкил этиш бўйича тегишли хат (04/29-6824 12.12.2022й.) чиқарилиб, муддатлари келишиб олинди.

3. Тизим ташкилотларида (*100дан ортиқ*) вилоятлардаги комплаенс назорат бош мутахассислари томонидан жойларда ҳукуқ тартибот ва суд идоралари вакиллари иштирокида, оммавий ахборот воситаларини жалб қилган ҳолда (*раҳбар ҳодимларни ОАВга алоҳида интервью беришлари мақсадга мувофиқдигига ургу берилган*) коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, хамда ушбу иллатнинг салбий оқибатларини ёритишга қаратилган тарғибот тадбирларини амалга ошириш бўйича раҳбарият кўрсатмаси чиқарилиб, ижроси амалга оширилмоқда.

4. Раҳбарларни, уларнинг ўринбосарларини ОАВ ва тадбирлардаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чиқишиларини ташкил этиш.

5. Агентлик ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкил этилаётган тадбирлар юзасидан Республика ҳамда вилоят телерадио каналларига маълумотлар бериб бориш.

6. Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимидағи ўрмон хўжаликлари бошқармалари ва хўжаликларига агентлик Комплаенс назорат бўлими ходимлари хизмат сафарига чиқиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш, масъул ходимларга амалий ёрдам кўрсатиш ва ишчи-ходимлар иштирокида ўқув семинарларини ташкил этиш. Маълумотларни ОАВ ва расмий сайтларда ёритиб бориш.

Комплаенс назорат бўлими